

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширишни, очиқлик ва шаффофликни, жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. *Тухтабаев Ж.Ш.* Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. Т., 2020.182 б.
3. *Азизов У.Ў., Тошматов З.Х., Аюпов Р.Ҳ.* Рақамли иқтисодиёт асослари. Т., 2019.

*А. Мамадалиев, А.Р. Бахриддинов*  
илмий раҳбар *К.М. Юлдашев, Р.И. Эгамбердиев*  
НамМТИ, СИЧТЭИ  
Наманган, Ўзбекистон  
qodirjonaka@mail.ru

## **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат, молиялаштириш, стратегия, ялпи ички маҳсулот, саноат, давлат-хусусий шерикчилиги.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаши, пировардида, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажмини оширишга меҳнат ресурсларининг аҳамиятли қисмини иш билан банд қилишга хизмат қилади. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [1].

Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги, жумладан тегишли қонунчилик актларининг мавжудлиги. солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, имтиёзли кредитлашни жорий этилганлиги ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланганлиги кичик бизнес субъектларининг фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари

хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни ташкил этилганлиги улар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди [3].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улушини кескин ортишида намоён бўлмоқда. Шу ўринда кейинги йилларда янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январ-декабр ойларида 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122% га кўп демакдир). Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27%), савдо соҳасида (21%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (13%) ва қурилишда (10%) ташкил этган. 2018 йилнинг январ-декабр ойларида 48,9 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил этилди. (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2% га кўп демакдир). Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 23,9%), саноат тармоғида (23,0%), қурилаш тармоғида (13,0%) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11%) яшаш ва овқатланишда (8%), ташиш ва сақлашда (4,3%) ташкил этган.

Наманган вилоятида кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш 2017-йилда 2353 тани ташкил этган бўлса, бу кўсаткич 2018-йилда 2709 тани ташкил этган. [6]. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2018 йилдаги асосий кўрсаткичлари билан танишиб чиқамиз. 2018-йилда кичик бизнес субъектларининг ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши ҳақида маълумот (% ҳисобида).

1-жадвал.

Худудлар	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Инвестиция
Қорақалпоғистон Республикаси	18,7	84,6	57,5	21,7
Андижон	19,8	96,4	71,7	53,8
Бухоро	41,1	82,6	72,7	25,5
Жиззах	64,4	93,7	67,9	40,4
Қашқадарё	21,4	82,7	70,2	11,3
Навоий	16,1	70,7	62,0	14,7
Наманган	68,5	93,2	69,5	30,2
Самарқанд	51,1	98,3	73,6	54,0
Сурхондарё	47,1	78,3	73,2	31,6
Сирдарё	52,1	92,5	63,3	48,3
Тошкент	23,5	76,5	73,8	40,1
Фарғона	35,8	90,4	72,8	52,6
Хоразм	31,7	88,4	68,4	50,2
Тошкент ш	72,9	72,0	50,0	52,3
Ўзбекистон Республикаси	34,7	66,6	55,2	34,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018-йилда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ва хизматлар соҳасида ўсишга эришилган. Худудлар бўйича саноат соҳасининг улуши Тошкент шаҳри (72,9%), Наманган (68,5%) Жиззах (64,4%) вилоятларига тўғри келган. Бу кўрсаткич қурилиш соҳасида Самарқанда (98,3%), Андижон (96,4%), Жиззах (93,7%), Наманган (93,2%) вилоятлари, хизматлар соҳасида Тошкент (73,8%), Самарқанд (73,6%) Сурхондарё (73,2%), Фарғона (72,8%) вилоятлари, инвестицияда эса Самарқанд (54,0%), Андижон (53,8%), Фарғона (52,6%) вилоятларида ташкил этган. [6]. Юқоридаги эришилган ижобий натижаларга қарамай, кичик бизнес субъектларининг имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмапти. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг молиявий муаммолари ҳал этилмаганлигидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини таъминлаш ва унинг барқарор суръатларда ривожланишига эришиш учун катта миқдордаги молиявий маблағлар зарур. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий маблағлар билан таъминлаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодийетни модернизациялаш шароитида долзарб масалага айланиб бормоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини молиявий маблағлар билан таъминлашда маълум бир қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ўз ички маблағлари етарли бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эса ташқаридан, кредитлар кўринишида молиявий ресурсларни жалб этишга мажбур бўлмоқдалар.

Ушбу молиявий ресурсларнинг қандай шартлар асосида ва қандай нархда жалб этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг келгусида оладиган даромадига бевосита ўз таъсирини кўрсатиши, табиий. Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини молиялаштириш масаласи унинг молиявий равнақини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши зарур. Ушбу ҳолат молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётининг молиявий жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва такомиллаштириш масаласи юзасидан чуқур, махсус илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил ушбу соҳани молиялаштириш муаммосидир. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш орқали хусусий сектор субъектларининг мамлакат иқтисодийетини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ортиб боради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий этиш суръатлари кейинги йилларда барқарор бўлишига қарамасдан ушбу корхоналарнинг кўламлари унчалик катта эмас. Аксарият ҳолларда ушбу корхоналар бозорда муайян мавқени эгаллаган бўлсалар-да, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келмоқдалар. Ушбу муаммо фикримизча, бир томондан мамлакатда молиявий ресурсларнинг умумий тақчиллиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, хусусий секторда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг аксарият ҳолларда молия бозорида иштирок этиш иш кўникмаларига эга эмасликлари, ҳамда мамлакатимизда молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва такомиллашмаганлиги билан боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аксарият ҳолларда бошланғич капитал етишмаслиги туфайли қатор қийинчиликларга учрайди. Фикримизча, қонунчиликда назарда тутилган кафиликни тўлов қобилятига эга юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам беради. Бошланғич капитални жалб қилиш мақсадида, гаров пули, ушлаб қолиш,

кафолат, олдиндан пул бериш кабилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш мақсадида ўз мол-мулкидан, шу жумладан, ашёлари ва мулкый ҳуқуқларидан, ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи суғуртаси тўғрисидаги суғурта полисидан ҳам фойдаланса бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусий сектор тараққиётини таъминлашда давлат-хусусий шерикчилик механизмини жойи этиш ушбу секторни ривожлантиришга хизмат қилмоқда [4].

Бизнинг фикримизча, хусусий секторнинг тараққий этишига тўсиқ бўлаётган асосий ташкилий-қонуний масалаларни ҳал этмасдан туриб хусусий тадбиркорликнинг ривожини, жумладан, уни молиялаштиришнинг самарадорлигини таъминлаб бўлмайди [7]. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз: Хусусий сектор тараққиётини таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик механизмини янада ривожлантириш зарур.

Хусусий секторда молиялаштиришнинг асосий манбаларини шу секторда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этмоқда. Бу ерда мавжуд бўлган муаммо ушбу манбаларнинг қай бирига устуворлик бермоқ лозим, уларнинг қайси бири самаралироқ ҳисобланади, уларнинг қайсисидан фойдаланиш бозор иқтисодиётининг талабларига кўпроқ жавоб беради, каби масалаларга аниқлик киритишдан иборат.

Муаммонинг мураккаблиги шундаки, юқоридаги саволларнинг ҳеч бирига, кўпчилик ўйлаганидек, аниқ жавоб беришнинг иложи йўқ. Бу муаммонинг ечими хусусий секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган конкрет шароитга, унинг олдида қандай вазифаларнинг қўйилганлигига ва уларни қай муддатларда бажариш лозимлигига ва бошқаларга бевосита боғлиқ. Ана шулар эътиборга олинган бўлса, конкрет шароитда қайси молиялаштириш манбасидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган пайтда юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар бир молиялаштириш манбаининг афзалликлари (қулайликлари) ва камчиликлари ҳисоблаб чиқилиши ва фақат шундан сўнггина тегишли қарорни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда хусусий секторни янада ривожлантиришга ва аҳолини турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь., № 271-272 (7229-7230).
2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594.
4. *Юлдашев К., Холмирзаев А.* Осуществление реализации механизма частного партнерства в Узбекистане // Молодой учёный. № 51(289). 35 с.
5. *Саидбоев Ш., Юлдашев К.* Банк хатарлари. Наманган нашриёти 56-65 бет.
6. Ўзбекистон саноати 2014-2017 йилларда. Статистик тўплам. Тошкент-2018 й.16-бет.

7. Юлдашев К. Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор тараққиётининг молиявий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари: автореферат. Тошкент, 2010.

Ҳ. Ёқубжонова, илмий раҳбар О.Х. Хамидов  
Наманган муҳандислик-қурилиш институти  
Наманган, Ўзбекистон  
hyoqubjonova@inbox.uz

## ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш юзасидан маълум бир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Калит сўзлар:** экологик туризм, минтақавий экотуризм, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, экологик инқироз, табиий ресурс, атроф-муҳит.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, инсон умрининг давомийлиги ва сифати 50 фоиздан ортиқ ҳолатда унинг турмуш тарзига боғлиқ, 20 фоизи яшаш муҳитига (экология), яна 20 фоизи ирсиятга ва 10 фоизи тиббий хизмат кўрсатиш сифати билан белгиланади. Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистонда айни дамда ўртача умр кўриш ёши 74 ёшни кўрсатаётган бўлса, шундан 15 йили бевосита экологияга боғлиқ эканлиги келиб чиқади. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилиши режалаштирилган бўлса[1]. Бундан кўринадики, соғлом авлод учун қанча давлат бюджетидан маблағлар сарф этилишлигини кўрсатиб бермоқда, биз минтақаларда экотуризмни ривожлантириш орқали баркамол авлод генофондини ва саломатлигини таъмин этишга ҳам бевосита ҳисса қўшишимиз мумкин.

Шу ўринда, экологияга доир қайси масалани олмайлик, у борлиқ табиат билан инсониятга боғлиқ эканлигини кўрамиз, борлиқ, табиат, экология, инсон саломатлигига даҳлдор масалалар барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалардир. Сайёҳликнинг йўналишлари ичида экотуризм йўналиши туристлар қамрови, ўсиш суръатлари жиҳатидан, дунё миқёсида тобора жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Шу ўринда, Б.Бердиёров [2] мамлакатда экологик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қуйидагилар деб баҳолайди;

-мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг ҳудудлар табиатини яхши билишлари учун, ҳудудларнинг флораси ва фаунасини ўзида мужассам қилган мамлакатнинг экотуристлик харитаси ва ягона каталогини яратиш лозим. Ушбу экологик харита ва каталог ҳамроҳ таржимонлар учун экскурсия давомида дуч келиши мумкин бўлган ҳайвонлар ва ўсимликларни аниқлашда зарур бўладиган оддий, расмли, экологик мазмунли қўлланма бўлиб хизмат қилишини тавсия қилади. Юқоридаги фикрларга қўшимча тарзда, бизнинг фикримизча, республикада экологик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни эътироф этамиз;

-аҳолининг экологик маданияти минтақавий экотуризмни ривожлантиришда энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.